



Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг
2 сонли БАЁНИ

Тошкент шаҳар

« 30 » сентябр 2017 йил

Раислик қилувчи: Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор
Қатнашдилар: Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. 2016-2017 ўқув йили баҳорги семестр натижалари таҳлили, камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари.
Маърузачи – Ўқув ишлари проректори, Ш.А.Боймурадов.
2. Иқтидорли талабалар билан ишлаш режаси, фан олимпиадалари ва давлат стипендияларга номзодлар тайёрлаш.
Маърузачи – Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи А.В.Прохорова.
3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.
4. **Маърузачи** – Комиссия раиси.
5. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.
6. **Маърузачи** – ОТМ кенгаш котиби.
7. Турли масалалар.

ТТА ректори Л.Н.Туйчиев кенгаш аъзоларини Устоз ва мураббийлар байрами билан табрикладилар.

Профессорлар Х.А.Хамраев 70 ёшга, Х.З. Турсунов 60 ёшга тўлишлари, З.Ш.Ашуров, Г.К.Худайкулова, Х.С.Ахмедов, И.Э. Хўжаназаровлар докторлик дипломларига эга бўлишлари муносабати билан табрикландилар.

Тошкент тиббиёт академияси “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси С.И.Мавлянов сайланганлиги билан табрикландилар.

ТТА Республика фан олимпиадаси ғолиблари: Рўзиева С.Х. (фармакология), Одилов Б.Қ. (терапия), Турғунхужаев О.Э. (неврология),

Турсункулов С.Р. (жарроҳлик), Исмоилов У.И. (нормал физиология), Тўракулов Б.Х. (микробиология), Хусанов Ф.С. (патологик физиология) табрикландилар.

Кун тартиби овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича Ўқув ишлари проректори, Ш.А.Боймурадов маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган).

1.1. Терапия, хирургия, акушерлик гинекология, педиатрия, гигиена йўналишлари бўйича амалий кўникмаларни баҳолашни мувофиқлаштириш.

Масъул: муаммоли ҳаёт раислари,

Муддат: 1 ой

1.2. Амалий машғулотларнинг сифатини ошириш, янги ўқитиш технологиялари ва шакллари тadbик этиш.

Масъул: кафедра мудирлари

Муддат: доимий

1.3. Амалий машғулотлар ва маърузаларга хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш.

Масъул: кафедра мудирлари

Муддат: доимий

1.4. Кафедраларда очик дарслар ўтказиш орқали илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий қилиш.

Масъул: кафедра мудирлари

Муддат: доимий

1.5. Очик ва интеграл маърузалар ўқиш учун Республикада кўзга кўринган мутахассислар ва чет эл нуфузли университетларидан профессорларни таклиф этиш.

Масъул: кафедра мудирлари

Муддат: доимий

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича – Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи А.В.Прохорова маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган).

2.1. Ҳар бир кафедрада бакалавр ва магистратура курсининг бошланғич курсларидан бошлаб иқтидорли талабаларни аниқлаш, улар билан ишлаш бўйича аниқ режа тузиш ва илмий изланишларига кўмаклашиш.

Масъул: Иқтидорли талабалар бўлим, Илмий бўлим, кафедра мудирлари

Муддат: доимий

2.2. Иқтидорли талабаларни илмий грантлар, халқаро конференциялар, ОўЮ ўртасидаги тажриба алмашишига жалб этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш.

а. Ушбу белгиланган вазифаларни ТТА Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида бажариш.

Масъул: Илмий бўлим, кафедра мудирлари

Муддат: доимий

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

3. Кун тартибининг учинчи саволи Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова номзодларни таништирди. (матни келтирилган 1-илова).

4. Кун тартибининг тўртинчи саволи – Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова таништирди. (2-илова).

5. Турли масалалар бўйича: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди. (3-илова).

Кенгаш ўз ишини якунлади.

Кенгаш котиби, т.ф.д., проф.



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича
проректори

Ш.А.Боймуратов

Маънавият-маърифат ишлари
бўйича проректор

Т.А. Бобомуратов

Молия иқтисодиёт ишлари
бўйича проректор

И.Х. Магзумов

Академик лицей ва коллежлар
бўйича проректор

С.Р. Баймаков

Ички назорат ва мониторинг
бўлими бошлиғи

Ў.М. Миршаратов

Иқтидорли талабалар билан ишлаш
бўлими бошлиғи

А.В. Прохорова